

БАДАЛИЙ



УЙҒОНИШ

(Шеърлар)



«Ҳаёт»

Андижон - 2005 й.

84 (59) 6-5



Ушбу биринчи шеърий китобчамнинг нашр этилишида ҳам амалий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган, руҳлантирган олижаноб инсон, корхонамиз раҳбари Фозил Солиевич Солиевга чин юракдан миннатдорчилик билдираман.

Муаллиф.

Ю 31231
081

«Уйғониш» - муаллифнинг илк тўплами.

Унга ватан, заҳматкаш инсонлар, аёл, моҳир касб-кор эгалари, эзгулик, қадриятларимиз мавзуларидаги шеърлар жамланди.

Содда, раvon тилда ёзилган, самимият йўғрилган ушбу шеърлар азиз ўқувчилар қалбидан жой олишига умид қиламиз.


12-08-05

ХҒ-Б _____ ША

22-03-05

Бадалий. «Уйғониш». (Шеърлар).

© «Хаёт». А. - 2005.



Ю



МУҲАНДИС - ШОИР

Бадалиий тахаллуси билан ижод этаётган Муҳаммадали Бадалов Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Андижон Механика корхонасида етакчи муҳандис бўлиб йигирма йилдан ортиқроқ вақт давомида меҳнат қилиб келмоқда.

У иқтидорли мутахассис, корхонадаги барча технологик янгиликларда ташаббускор бўлиш билан бирга, ишчи-ходимларнинг, умуман, инсоннинг юксак фазилатларини: меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, бир-бирига меҳри-оқибати, дўстлигини қадрловчи ижодкор сифатида ҳам корхонамиз меҳнат жамоасининг ҳурматиغا сазовор бўлган.

Унинг шеърлари содда ва юракдан чиқиб, юракка етиб бориши билан ўқувчи ёдида қолади.

«Бобур бобо», «Амир Темури» каби шеърларида улуг аجدодларимизнинг бетакрор фазилатларини ифодалаш орқали қадриятларимиз қайта тикланганлигидан мамнунлигини акс эттиради.

«Муҳаммад Юсуф» шеърида эса мустақиллигимизнинг оташин куйчиси, ҳамюртимиз, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфга бўлган меҳрини тасвирлайди. Бу шеърда шоир мухлислари муҳаббатини ёритишга баҳоли қудрат интилади.

Ушбу тўпламдаги шеърлар Бадалиийнинг қалбида туғён ураётган ўтли туйғулар акс-садоси десам, муболаға бўлмас.

Китобча ва унга жамланган шеърлар нозик дидли мухтарам ўқувчиларда илиқ таассурот қолдиришига ишонаман.

Баҳодир Қобилжонович УСМОНОВ,
ТАИЧБга қарашли Андижон
Механика корхонаси ФТИП
раҳбари.



УЙҒОНИШ

Марди-майдон йигитларда дард бўлади,
Ватанимнинг йигитлари мард бўлади.
Муҳаббатли юрагимни тўкмасам гар,
«Севдим» деган сўзим, рости, мўрт бўлади.

Шеърдир қалбим очмоқликка имконларим,
Хурлик жўшқин айлагувчи илҳомларим.
Озод юртнинг ҳар зарраси завқ бағишлар,
Куйлаб-куйлаб қолмас сира армонларим.

Неча йиллар жим-жит эдим, бесас эдим,
Қалбим ишқ-ла ёнса-да мен ёзмас эдим.
Сўз залвари тоғдек босиб кифтларимдан,
Юрагимни бир гулга ҳам ёрмас эдим.

Хурлик бизга янги-янги уфқ очди,
Истиқлолдан туйғуларим селдай тошди.
Дил уйғонди, эл уйғонди, тил уйғонди,
Не бахт, дўстлар, куйлаш фасли, ғафлат қочди!




НАВРЎЗ

Табиат уйғониб, янги йил келди,
Ўлкамда ёқимли хуш сабо елди.
Кўм-кўк либос кийиб она еримиз,
Наврўз байрамини нишонланг дерди.

Гулдан-гулга кўчди рангин ҳонқизлар,
Ариқ бўйларини тутди ялпизлар.
Кўчаларда қувнар, боғларда қувнар -
Сочига толпопук тақволган қизлар.

Наврўзнинг ёқимли оби-ҳавоси,
Дилларга хузуру ва ором беради.
Қушларнинг сайраши, булбул навоси -
Юракларга ўтли илҳом беради.



* * *

Муҳаммад Юсуф хотирасига.

1.

Андижон фарзанди Муҳаммад Юсуф,
Бобур бобосининг ёшига етди.
Лек у ҳам шу ёшда юрту элини
Баногоҳ тарк этди - йиғлатиб кетди.

Бу ёруғ дунёни ташлаб кетди у,
Севган кўнгилларни ғашлаб кетди у.
Ўзи билан бирга дилида қолган -
Не-не гўзал шеърни бошлаб кетди у.

Уни йўқлаб йиғлар лолақизғалдоқ,
Қабри узра гўё нола қизғалдоқ.
Боши эгик маъсум келинчак каби,
Ўксиб йиғлаган у - бола-қизғалдоқ...

Бир асл ўғлидан жудо отадай,
Ер титалаб қолган онадай маҳзун,
Ҳар тонг ва ҳар шомда бошида қуёш-
Тиловат қилгандай тўхтайтиди ғамгин...




2.

Ариқлар бүйида ялпиз ўсади,
Шохчаси ҳар куни йўлим тўсади.
«Қишлоқнинг куйчиси шоир қани», -деб,
Шабада йўқловда тинмай кезади.

Она юртин ёниб куйлар эди у,
Халқининг дардида куяр эди у.
Истиқлол байроғин баланд кўтариб,
Порлоқ келажакка бўйлар эди у.

Ялпизлар бүйида бўйи қолгандир,
Бойчечак ўйида ўйи қолгандир.
Кўркам Қовунчида эшиги очиқ-
Қайтар деб кутгувчи ўйи қолгандир.




РИВОЯТ

Эмишки, парилар баҳор фаслида
Қадимда ойдинда қирғоққа чиққан.
Тансиқ таом қилиб сайлгоҳида,
Тонггача сайр қилган, дилхушлик қилган.

Саҳарда бегона кўзга кўринмай,
Яна сувга тушиб кетган эмишлар.
Ерликлар у жойга келиб эринмай,
Таомдан хурсандлик билан эмишлар.

Ерликлар сўнг ушбу янги таомга
Сув малакларин номин бермишлар.
«Сумалак» вақт ўтиб, давронлар ўтиб,
«Сумалак»ка айланиб кетган демишлар.

Сув малакларин таоми сумалак
Ерликларга жуда ёқиб қолганмиш.
Наврўзнинг бу тансиқ таоми шундан
Дейдилар: «Сумалак» номин олганмиш.



ШАҲИДЛАР ЁДИ

Шаҳидлар ёдига азим Тошкентда
Халқим «Хотира боғ» муҳайё қилди.
Яхши бир айёмнинг саҳар чоғида
Дастурхон ёзилиб, қуръон ўқилди.

Муддао: фидоий ватандошларнинг-
Муборак ёдини эъзоз этишлик.
Ўтмишу бугунги ёруғ кунларнинг-
Қадрини яна-да англаб етишлик!

Мустабид тузум ва зулм даврида
Не зотлар қатағон қурбони бўлди.
Бугунги чароғон бахтли дамларда
Руҳларин шод этиб, кўнгиллар тўлди.

Шаҳидларнинг ёди қалбларда мангу,
Бўлсин руҳлари ҳам биздан доим шод.
Озодлик туйғусин баралла куйлаб,
Истиқлол неъматин тотсин ҳур авлод!



ТАЪЗИМ

Амир Темурга.

Алғов-далғов замон. Бесарамжон юрт.
Самарқанд тахтида Темур Кўрагон.
Салтанатин тузиб, балқди қуёшдай,
Юрт душманларин қувди мард соҳибқирон.

Самарқанд осмони юлдузга тўлди,
Зулм, ҳақсизликдан халқ бўлди озод.
Яна оқди оққан зилол дарёлар,
Боғлар гулга кирди, шаҳарлар обод.

Дарахтлари мева бера бошлади,
Меъморлар бинолар қура бошлади.
«Куч - адолатда», - дея соҳибқирон,
Ўвузлик устига юра бошлади.

Қудрат, тафаккури, шиддати билан
Бир улкан давлатни барпо этди у.
Ақли, иродаси, идроки билан
Улуғвор мақсадга охир етди у.

Ватан равнақ топди, гуллади пойтахт,
Самарқанд ер юзин сайқали бўлди.
Ул зотнинг бажарган эзгу ишлари -
Ўзининг, миллатнинг ҳайкали бўлди.

Етти иқлим ҳукмдори бўлган ул зотнинг
Шуҳрат, қудратига қойилдир жаҳон.
Биз ҳам ҳайратланиб асрлар оша
Таъзим қиладирмиз сизга, бобожон!



БОБУР БОБО

Андижонга келаман деб, келолмадинг,
Полизидан қовун узиб еёлмадинг,
Соғинганда, армонларга чидолмадинг,
Бобур бобо, Андижонда қололмадинг,
Ўз юртингда орзуингга етолмадинг.

Беш асрким, богларингда мева бордир,
Меъморингнинг уйи бўлган Қува бордир,
Сени билган, сени севган бува бордир,
Бобур бобо, Андижонда қололмадинг,
Ўз юртингда Тож маҳални қуролмадинг.

Бутун жаҳон бугун сени эъзозлайди,
«Бобурнома» асарингдан эл сўйлайди,
Юртдошларинг дили сен деб хўп бўзлайди,
Бобур бобо, Андижонда қололмадинг,
Юрт меҳрига, дийдорига тўёлмадинг.

Ҳиндистонда обидалар қурганларинг,
Соғинч билан узоқларда юрганларинг,
Бадалийга армон бўлди кетганларинг,
Бобур бобо, Андижонда қололмадинг,
Тупорғига сўнг бор бошинг қўёлмадинг.

Тасалли бор: - ундан барча кўнгил тўлгай:
Ўзбекистон истиқлоли абад бўлгай,
Андижонда Бобур руҳи нафас олгай!
Бобур бобо, Сизни кўрдим бунда ёрқин,
Қалбимизда ишқингиздир ўчмас ёлқин!



ЭЛ ЎҒЛОНИ

Фозил Солиевич Солиевга.

Катта оилага бугун бош бўлиб,
Корхона бешигин тебратмоқдасиз.
Ҳаёт нафасини чуқур ҳис этиб,
Ёрқин келажакка шод боқмоқдасиз.

Ишхона бир боғдир. Сиз унга боғбон,
Ҳосилдор бу боғни кўкартирасиз.
Ҳар бир ёш ниҳолни асраб-авайлаб,
Масъулият сезишга йўналтирасиз.

Корхона саришта хонадон каби,
Кўнгиллар яйрайди, тартибли, обод.
Жилмайиб қаршилар анвойи гуллар,
Ҳар ишчи, хизматчи меҳнат қилар шод.

Корхонада бордир ҳурмат, интизом,
Барчага баробар қоида, низом.
Кўрган ҳавас қилар, келса - ўрганар,
Мақсадлар улуғдир, ниётлар соғлом.

Ёшлар эътиборда, улар - келажак,
Эртамиз эгаси, билимдон, ўқтам.
Ўргатиш, ўқитиш йўлга қўйилган,
Дейдилар: «Бир жонга етмиш хунар кам!»

...Раҳбарнинг меҳнати қадрли, юксак,
«Дўстлик» орденининг соҳибидир у.
Ватаннинг муносиб фарзанди шундай,
Қалбида шижоат, ғайрат, зўр туйғу!

Раҳбар ким!? У элнинг асл ўғлони!
Кўрдим уни ўзим ўз корхонамда.
Раҳбар-фазилатларкўзгуси дейман,
Бўлсин унинг фазли ҳар бир одамда!



ОТА

Йиллар чопиб ўтар сездирмай гоҳо,
Йигитлар бўй етар, қизлар бўй етар.
Фарзандлар тўсатдан улғайган каби,
Ота-оналарни кўп ҳушёр етар.

Тўй. Боқса, кенжаси Нафисасига -
Оқ, ҳарир либоси ярашмиш жуда.
Ҳаёт ҳимматидан бахтиёр ота,
Ўстирди муносиб ниҳол бағрида.

Дилида шу дуо: «Ўсгин, камол топ,
Янги хонадонга келинмас, қиз бўл.
Гуллар бўй таратсин босган изингдан,
Ўзингдан кўпайгин, бахтли умр кўр».

Ҳаёт давом етар. Тилаклар эзгу.
Фарзандлар пешма-пеш чинордай ўсар.
Ота шукур дейди, худога шукур,
Дуркуш авлодларга ташларкан назар...



ТҮЙ

Икки ёш орзуси ушалгувчи кун,
Меҳмонлар келмоқда, кутар тўйхона.
Гуллар баргларида оловранг ёлқин,
Анҳор ҳаяжонда оқар тўлғона.

Қуёш ёниб қўяр ўз уфқига бош.
Тўйдан завқланганча кўтарилар ой.
Тўйхона шукуҳи юқмиш борлиққа,
Хонадонга тенгсиз кўркамлиқ - чирой.

Шундай хурсандликка ярашиб тўрда -
Бири алп қомат, бири қалам қош -
Куёв-келин бахтнинг селида оқмиш,
Уфқда табриклаб жилмаяр қуёш.

Юлдузлар кўрмоқчун чиқар фалакка,
Ёғдуга еру кўк тўлар бир пасда.
Янги оилага саодат тилар -
Бадалиий - қўлида нафис гулдаста.



БУРЧИМИЗ

Очсанг агар тарих дафтарларини,
Биласан аждодлар ўтмишларини.
Ватан озодлиги, истиқлол учун -
Не зотлар жон фидо этмишларини.

Ёруғ кунин ўйлаб қадим Туроннинг,
Келажагин кўзлаб Ўзбекистоннинг,
Курашга отланди Чўлпон, Фитратлар...
Тўсиб қолмоқ бўлиб келган бўронни.

Эрк йўли - оғир йўл. Бу йўлда сонсиз -
Жонин фидо қилган ўғлонлари бор.
Зулмдан эзилган халқни бу юртда -
Кўзгаган мард Дукчи Эшонлари бор!

Мушкул ва мураккаб замонда яшаб,
Не жонлар қатагон қурбони бўлган.
Юртида кўрмоқлик ҳурлик қуёшин -
Бутун халқ - миллатнинг армони бўлган.

Истиқлол офтоби балқди ниҳоят,
Ёруғ йўлга чиқдик энди барчамиз.
Аждодлар ҳурматин жойига қўйиб,
Рўҳларин шод этмоқ бизнинг бурчимиз!




ОИЛА НАСИҲАТИ

- Қизларим, уйқудан саҳарда туриб,
Ҳовли ва кўчани супуриб қўйинг.
Катталар ҳурматин адо айлангу
Эзгу амалларни қулоққа қўйинг.

Ўзингизни хушхулқ, иболи тутиб,
Ораста, чиройли бўлиб юринглар.
Вафою садоқат расмин кўргизиб,
Эл-юрт хизматига тайёр туринглар.

- Балоғат ёшига етган ўғлоним,
Полвон билагингда тошмоқда кучинг.
Яхшини эъзозла, ғайрат қил, тер тўк,
Ватанга садоқат энг аъло бурчинг.

Ҳаётда тинч-тотув яша, камол топ,
Аждоду авлодлар шаънин ардоқла.
Ўстир оилангда комил фарзандлар,
Она сутин доим ҳалолла, оқла!




СОЙ БЎЙИДА

Сой бўйида бир бино
Қад ростлади, чўзди бўй.
Бунёдкорлар шаъничун
Тўй устига бўлди тўй.

Бир чизмиш тарhini,
Фиштин қўймиш асили.
Енг шимарган иш боши -
Қурувчилар Фозили.

Сой бўйида кўркам кўшк,
Элга очиқ эшиги.
Шод бўлган маҳалланинг -
Янграр қувонч қўшиги.

Қурувчилар қўли гул,
Омон бўлсин, бор бўлсин.
Юртин обод этишда
Уларга бахт ёр бўлсин!





ЯНГИ АВЛОД

Каримжон Турғуновга.

Инсон, насиб этса, улғайиб бир кун
Невара кўражак, бобо бўлажак.
Қувончдан қалбини ёргудек тўлқин,
Асов дарёдайн жўшиб тўлажак.

Оталар қўл очиб янги авлодга -
«Элнинг фарзанди бўл», - деб қилар дуо.
«Ватанни ардоқлаб ва айлаб обод,
Мардона яшасанг, бахт, - дер, - бебаҳо!»

Истиқлол фарзанди - янги авлоднинг -
Қадамлари дадил, адл қомати!
Оталар кўнгли тўқ. Қувнаб тиларлар:
«Бахти боқий бўлсин, кулсин омади!»



АЁЛ

Дилбархонга

Боғлар гуллар билан чамандир,
Бу дунё аёл билан гўзалдир.
Оқила, саришта, фаришта улар,
Сўзи юракларга қувват, ғазалдир.

Вафодор, севимли аёл уйининг -
Айвонига қалдирғоч уя қуради.
Ҳовлисида файзу барака гуллаб,
Муҳаббат, аҳиллик суҳбат қуради.

Аёлнинг турфа хил ташвишлари кўп,
Қийналса, ўз жонин ўртайди фақат.
Иссиқ-совуқ кунда чора излайди,
Мушкулни ечишга топади тоқат.

Бадалиий кўнглида дилбар аёллар,
Қуёшдай таратиб туради зиё.
Шу нур ёруғида йўллар чароғон,
Яна-да гўзалроқ кўринар дунё!



ШОФЁРЛАР

Корхонамиз шофёрларига.

Лутфилло бошлиқ-да, буйруқ беради,
Равшанбек диспетчер, талаб қилади.
Шофёрларни ҳар тонг бир-бир текшириб,
«Эҳтиёт юр» дея тилак тилайди.

Машина ишга шай - тайёр туради,
Хизмат дейилдими, дарров юради.
Корхона оғирин енгил айлару.
Элнинг хизматига йўлин буради.

Шофёрлар эл-юртнинг асл дастёри,
Йигитларнинг эса жўмарди - нори.
Доим «раҳмат» олар ҳалол тер тўкиб,
Ёниб яшамоқдир улар шиори.

...Йўлингиз доимо оқ-равон бўлсин,
Танингиз сиҳату соғ-омон бўлсин.
Бадалий тилаги сизга эзгудир,
Машиналарингиз бешикаст юрсин!



КОТИБА

Мулойим нигоҳли, хушмуомала,
Ҳозиржавобдиру доно котиба.
Сўзида сеҳр бор, кўзида меҳр,
Ўзида ажойиб содда жозиба.

Ўзига талабчан, ўзгаларга ҳам,
Аъло бажаради доим ишини.
Хушхулқу одобу назокат билан
Лол қилиб қўяди ҳар бир кишини.

Бадалиий дилидан унга ташаккур,
Котиба дегани шундай бўлса, соз.
Худди ўзи каби сўзи табиий,
Юраги самимий, иши бепардоз.



АСАЛАРИ

Дадам моҳир асаларичи,
Куч-ғайратга тўладир ичи.
Ариларин «сиз»лаб боқади,
Арилар ҳам жуда зўр «ишчи».

Чаманларга чопар саҳардан,
Самолётдай қанотин қоқиб.
Оқшом тушмай бол билан қайтар
Маконига дарёдай оқиб.

Улар жойи гулу гулзорлар,
Фунчалардан оларлар бўса.
Хукм аниқ, жазо ҳам тайин:
Беодоброқ, бевоши бўлса!

Кетишида темир интизом,
Келишида темир интизом.
Удумию тинчлигин бузган -
Кечирилмас, топар интиқом!



РУБОБИМ

Қўлимда шўх рубобим,
Сен-чун уни сайратай.
Қулоқ тутгил, нигорим,
Дилгинангни яйратай.

Айтолмаган сўзимни
Айтиб берсин шу симлар.
Ҳаяжон, туғенимга
Тартиб берсин шу симлар.

Икки дилни беминнат
Учраштира, не ажаб.
Ишқим ўтин қалбингга
Туташтира, неажаб.

Қўлимда шўх рубобим -
Юрак сўзимдир сўзи.
Унинг дардли қўшиғи -
Муҳаббатим элчиси!



МУНДАРИЖА

Б.Қ. УСМОНОВ. Муҳандис-шоир	3
Уйғониш	4
Наврўз	5
«Андижон фарзанди...»	6
Ривоят	8
Шаҳидлар ёди	9
Таъзим	10
Бобур бобо	11
Эл ўғлони	12
Ота	13
Тўй	14
Бурчимиз	15
Оила насихати	16
Сой бўйида	17
Янги авлод	18
Аёл	19
Шофёрлар	20
Котиба	21
Асалари	22
Рубобим	23

Адабий-бадний нашр

БАДАЛИЙ

«Дил чашмаси»
(Шеърлар)

Муҳаррир: Пўлат АБДУЛЛА
Техн.муҳаррир: М. МИРЗАКАРИМОВА
Мусаҳҳиҳ: Мадина УСМОН

Босмахонага 22 март 2005 йилда берилди.
Босишга 29.03.2005 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32 Ҳажми: 1,5 б/т.
Буюртима № 562 Адади: 550 нусха.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Andijon nashriyot-matbaa» OAJ босмахонасида босилди.